

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ, ИЖОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Жиззах давлат педагогика институти
Педагогика ва психология факультети
Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси
Сиддиқова Санобар Хайдаровна
ЖДПИ-Мактабгача таълим факультети
талабаси, Полатова Хуршида Бахтёр кизи

Аннотация: Мазкур мақолада таълим технологияси, унинг муҳим дидактик элементлари, уларнинг асосий функциялари, ўқувчилар ўзлаштириши самарадорлигини ошириш, педагогик меҳнатнинг субъектив томонлари, таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаоллигини ошириш масалалари кўрсатилган.

Калит сўзлар: таълим, ўқувчи, самарадорлик, педагогик меҳнат, билим, ижод, ижодий фаоллик, таълим жараёни, дидактика.

Таълим технологиясининг муҳим дидактик элементи ўқувчилар ўқув фаолиятида қўлланиладиган ўқув қуролларидир. Уларнинг асосий функциялари ўқувчилар ўзлаштириши самарадорлигини ошириш ва улар қобилиятлари даражасидаги фарқлар таъсирини пасайтиришдир.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси ўқув жараёни босқичидаги компоненти таълим стандартида кўрсатилган .

Педагогик меҳнатнинг субъектив томони ўқитувчининг касбий вазифаларни бажариши учун зарур бўладиган фаолиятли-ролли характеристикалари ва субъектив-фаолият сифатларида ўз ифодасини топади. Бу, энг аввало, қуйидагилардан иборат:

– касбий билимлар – педагог меҳнатининг ҳамма томонлари ҳақидаги объектив зарурий ва амалиёт томондан талаб этиладиган умумий ва касбий

компонентларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган маълумотлардир. Улар педагогик меҳнат натижаларига эришишнинг танланган модели, алгоритми ва технологиясини амалга ошириш билан касбий ўқув, малакалар, ўзига хос психологик сифатлар, касбий позицияларни тарбиялаш учун асос бўлади;

– касбий ўқув ва малакалар – педагогнинг таълимий жараёнда ўз мажбуриятлари ва вазифаларини амалга ошириш учун қўллайдиган ишлари ва услублари. Улар педагогик меҳнат технологияси яхлит тизимининг ва бошланғич элементлари бўлади;

– ўзига хос педагогик хусусиятлар (сифатлар) ўқитувчи психикасининг барча компонентлари – жараёнлар, хоссалар, тузилмалар, ҳолатлар шаклланганлигини ифодалайди;

– педагогнинг касбий позицияси – бу унинг турғун установка ва йўналиши; ички ва атрофдаги тажрибанинг, реаллик ва истиқболнинг муносабатлари, баҳолари, шунингдек, касбий фаолиятда амалга ошириладиган (амалга оширилмайдиган, қисман амалга ошириладиган) хусусий интилишларидир. Улар ўз ичига умум ижтимоий ва касбий аспектларни олади.

Педагог меҳнатининг бу кўрсатиб ўтилган характеристикалари коллеж ўқувчилари фанлардан эгаллаши лозим бўлган билимга оид давлат стандартлари қўядиган талаб билан тўлдирилади.

Касб-ҳунар коллежларида амалга ошириладиган амалиёт, ўқув дастурлари, биринчи навбатда, талабаларда касбий муҳим ўқувлар, малакалар ва шахсий сифатларни тарбиялашга эмас, балки уларни психолого-педагогик билимлар мажмуи билан қуроллантиришга йўналтирилган технология билан назарий тайёргарликнинг етарлича (яхши) даражасига эга бўлган, бироқ олинган билимларни амалиётда қўллашда анча қийинчилиларга дуч келадиган кичик мутахассисларга эга бўладилар.

Мустақил тайёргарлик ва дарс тайёрлаш мазмунига ўқув ва касбий фаолиятни психологик ва дидактик асосланган яқинлаштириш ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик

шароитлари ва технологиясига таъсир кўрсатади, бунда назарий билимлар мутахассис учун долзарб амалий масалалар ва ишларни ҳал қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат таълим стандарти (ДТС), дастур ва адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ижодий фаоллигини ошириш мазмунидан ушбу компонентлар ўрин олиши лозим: ўқитиш мақсадлари ва вазифаларини қўйиш, ўқув материали мазмунини танлаш, ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларида фойдаланишни лойиҳалаш, методик талабнинг дидактик ўзаро таъсири, оралиқ ва охириги тескари алоқа ўқув ва малакаларни ўқитиш шунингдек, ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва рефлексия ўқувларига ўргатиш ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ўқитиш технологиясига асос бўлиб хизмат қилади..

Ўқувчини бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиш лозим бўлганда ҳар доим юзага келадиган кўплаб педагогик масалаларни ҳал этиш жараёни сифатида қаралади: уни маълум билимга жалб қилиш, ўқув ва малакалар тизимини бошқа тизимга ўтказиш. Бу кўплаб ечимларни талаб этади ва керакли натижага эришишнинг афзалроқ усулини топишни талаб қилади. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси мазмунини ўқув фаолиятига қизиқишлари ва ташкил этишларини уйғотиш учун бу вазифаларни маълум кетма-кетликдаги масалалар тизими тилига ўтказишдан иборат.

Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг хусусий билимлари ва ўқувларини интеграциялашни талаб этади. Жумладан, ўқув машғулотини лойиҳалаш ва ўтказиш учун фақат фаннинг мазмунини билишгина эмас, балки билимларни ташкил этишнинг турли усулларини эгаллаганлик, уларни ҳал этилаётган ўқув вазифасига мувофиқ шаклини танлай билиш, ўқувчиларнинг билиш фаолликларини уйғотиш ва ушлаб туриш, машғулотларнинг боришини таҳлил қилиш ва улар натижаларини баҳолашни билиш лозим. Ҳар бир

машғулоти ўтказиш педагогининг фанга доир, педагогик, психологик, умум маданий, физиологик билим ва ўқувларини интеграциялашувини (синтезлашни) талаб этади. Таълим мазмунини фанга оид структуралашда афсуски, кўпинча, керакли интеграциялашув рўй бермайди.

Бу вазифа ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштириш технологияси педагогик амалиётни ўтиш жараёнида ҳам бўш ҳал этилади. Ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси ишлаб чиқариш амалиётини ўтганларидан сўнг уларда қизиқиши бўйича бўйича ўтказилган психологик тест ёки анкета сўровининг кўрсатишича, ижодий фаолиятни юқори (ижодий) даражада амалга оширишга қодирдирлар; ўқувчиларнинг ярмидан кўпи бу фаолиятни ўртачадан паст даражада (танқидий) ўтказишга эришади.

Ишлаб чиқариш амалиётининг ташкил этилиши ўрта махсус касб-хунар таълими ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси вазифалари ва унинг фаолият турлари очиб берилмайди, ўқитиш ва тарбиялаш жараёни жадал ҳаракатини таъминлайдиган дидактик қарорларнинг меъёрий характеристикалари белгиланмайди.

Демак, ўқитувчи амалий фаолият тажрибаси, ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг психологик технологиясини билишлари ва ўқувларни интеграциялаш усули билан эгаллаши, билимдон ва ижодий ишлайдиган, мавжуд шароитларни, ҳар томонлама баҳолашни назарда тутадиган қарорлар қабул қилишга ўргатиш, илмий билимларни трансляциялаш ва педагогик методлар тизимига киритиш учун таҳлил қилиш, шунингдек, ўқувчиларни билан коммуникация усулларига ўргатиш чоғида ўзлаштирилиши лозим. Айтилган фикрларга асосан, кўрсатилган вазифани ҳал этиш учун ўқитиш технологиясига тайёрлаш учун уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу хулоса шу билан асосланадики, ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган касбий-фаолиятнинг шакллари, методлари ва воситалари, фанга оид ва ижтимоий

мазмунининг бутун тизимини изчил моделлаштиришда, яъни ўқув фаолиятдан касбий фаолиятга ўтишда юқоридаги камчиликлар бартараф этилади. Биринчи навбатда, коллежда яхлит таълим жараёнини лойиҳалаш, конструкциялаш ва амалга ошириш ўқув ва малакаларни талаблари яратиладиган ва амалиётда ёки битирув малака ишини бажариш доирасида тарбиялашни назарда тутмоғи лозим.

Ўқувчиларнинг билиш, ижодий фаолиятини фаоллаштиришнинг дидактик шароитлари ва технологияси структуравий компонентларини, уни шакллантириш механизмларини ажратиш ва асослаш, узвий ўзаро таъсирда бўлади ва яхлит модели динамик тизимини ташкил этади.

Юқорида баён қилинган фикрлардан шу нарса келиб чиқадики, билиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи зарурий омил назарий (психолого-педагогик) асослар ва уларнинг амалий рўёбга чиқарилишини ўқувчиларнинг фаол ва самарали билиш фаолиятини, уларнинг интеллектуал, касбий ва ижодий қобилиятларини ривожлантирилишини таъминловчи ўқитиш методлари ва шакллариининг бирлиги каби тушуниладиган ўқитиш технологиясидан фойдаланишдир. Янги технологиянинг назарий асоси бўлиб билимларни ўзлаштириш психологик назарияси ҳозирги замон ютуқларининг қоидалари, таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш ижодий қобилиятларни ривожлантириш психологияси хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аллаяров И.А. Дидактические основы активного обучения. Автореф. дис. докт.-ра. пед. наук. - Тошкент: 1994. 44 с.
2. Бабанский К. Проблемы повышения эффективности педагогически хисследовал и (Дидактический аспект) - Москва: "Педагогика", 1982.
3. Баратов Ш. Кичик ёшдаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш. - Тошкент, ўқитувчи, 1992 й.
4. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989. - 192 ст.

- 5.Сафаров Н.С. Народные идеи и опыт народной педагогики Ўзбекистана. - Ташкент, 1989.- 98 ст.
- 6.Siddiqova, S. (2022). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛОВЧИ, ИЖОДКОР ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5697>
- 6.Соибназарова, М. Н., & Санакулова, З. А. (2016). Некоторые психологические проблемы общения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (5), 737-739.
- 7.Санакулова, З. А., Соибназарова, М. Н., Бойтураева, Н. И., & Юлдашев, Ш. Э. (2016). Психологические условия формирования навыков самостоятельного мышления у учащихся. Молодой ученый, (8), 1022-1024.
- 8.Munarova, R. N. O. S., & Soibnazarova, M. N. L. (2022). ONTOGENEZNING TURLI DAVRLARIDAGI SHAXS IQTIDORINI NAMOYON BO'LISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 682-688.
- 9.Soibnazarova, M. (2022). АЛЛОМАЛАР АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК МУАММОЛАРИ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5574>
- 10.Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ВЕРТУАЛ СТЕНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5620>
- 11.Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогикаси ва психологияси в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari